

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**



**Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 744-сон “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан бир ой ўтгач кучга киритилади.

Вазир

Тошкент ш.,
2017 йил 27 декабрь,
529 - сон

Р. Джураев



Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) томонидан кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан (қайта рўйхатдан) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

кВт – кичик ҳажмли кема двигателининг от кучи;

регистр тонна – кеманинг ҳажмий тонналар билан кўрсатиладиган сифими;

кичик ҳажмли кемалар – асосий двигателлар қуввати 55 кВтдан (75 от кучи) ва йўловчи сифими 12 кишидан ортиқ бўлмаган ўзиюрар кемалар, моторларнинг қуввати ва сонидан қатъи назар, осма моторли кемалар, сув мотоцикллари (гидроцикллар), юк кўтариш қобилияти 80 регистр тоннадан ортиқ бўлмаган ўзиюрмас кемалар, шишириладиган моторсиз эшкакли қайиқлар.

3. Инспекция томонидан жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кичик ҳажмли кемалар рўйхатдан ўтказилади.

4. Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ тўлов ундирилади.

Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун ундириладиган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бюджетдан ташқари фондига ўтказилади.

2-боб. Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш

5. Кичик ҳажмли кемаларнинг барча турлари рўйхатдан ўтказиш китобига (бундан буён матнда кема китоби деб юритилади) тегишли қайдларни киритиш йўли билан амалга оширилади.

Моторли кемалар мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги Моторли кемаларни рўйхатдан ўтказиш китобига;

Эшкакли кемалар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Эшкакли кемаларни рўйхатдан ўтказиш китобига қайд қилиш йўли билан рўйхатга олинади.

Рўйхатдан ўтказилган кичик ҳажмли кемаларга мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда кема билети берилади.

Моторли ва эшкакли кемаларни рўйхатдан ўтказишда кема китобига ҳамда кема билетига “Рўйхатга олинди” деган штамп босилади.

Юридик шахсларга тегишли бўлган кичик ҳажмли кемалар юридик шахснинг юридик манзили бўйича, жисмоний шахсларга тегишли бўлган кичик ҳажмли кемалар жисмоний шахсларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

6. Рўйхатдан ўтмаган кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш тақиқланади.

Рўйхатдан ўтган моторли кичик ҳажмли кемаларни бошқаришга бундай кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлган шахсларга рухсат этилади.

7. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан кичик ҳажмли кемалар харид қилинганда техник ҳолатидан қатъи назар, бир ой ичида рўйхатдан ўтказилиши (қайта рўйхатдан ўтказилиши) шарт.

8. Рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, кичик ҳажми кемалар ҳар йили фойдаланишга яроқлилигини тасдиқловчи штамп қўйиш йўли билан техник кўриқдан ўтказилади.

9. Манфаатдор шахслар кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли худудий бошқармаларига мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

кема мулкдорининг ёки ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

кема ёки кема двигателларининг (осма моторларининг) харид қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (товар чеки, олди-сотди, ҳадя

шартномаси, васият бўйича мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома ва бошқалар);

рўйхатдан ўтказилиши учун тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида квитанция.

10. Кичик ҳажмли кемаларга мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ борт рақамлари берилади.

Моторли кемаларнинг борт рақамлари 7 та литер рақам ва белгидан иборат бўлиб, уларнинг биринчи 2 та литер белгиси – кема бириктирилган ҳудуд кодини, 3-чи литер белгиси – лотин алифбоси ҳарфини, кейинги 4 та литер белгиси – кема китобида рўйхатга олинган рақамларни билдиради.

Эшкакли кемаларнинг борт рақами 6 та литер рақам ва белгидан иборат бўлиб, уларнинг биринчи 2 та литер белгиси – кема бириктирилган ҳудуд кодини, 3-литер белгиси – лотин алифбоси ҳарфини, кейинги 3 та литер белгиси – кема китобида рўйхатга олинган рақамларни билдиради.

11. Борт рақамлари ўчмайдиган контраст бўёқда форштевендан (кема таг ёғочининг кема тумшуғига ўтган томони) кичик ҳажмли кема корпуси узунлигидан 1/4 ўлчов узокликда бир қатор ёзув билан ҳар икки томонда кўрсатилади. Ҳарф ва рақамларнинг баландлиги камида 150 мм, эни 80 мм, ҳарф ва рақамлар чизиғининг кенглиги 15-20 мм. бўлиши лозим.

12. Вояга етмаган шахслар номига рўйхатдан ўтказилган кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан чиқаришда уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллариининг ёзма розилиги талаб этилади.

3-боб. Кичик ҳажмли кемаларни қайта рўйхатдан ўтказиш

13. Кичик ҳажмли кемаларни қайта рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

кичик ҳажмли кема мулкдори ўзгарганда;

кичик ҳажмли кема мулкдорининг доимий яшаш жойи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ёки бир вилоятдан бошқа вилоятга ўзгарганда;

кичик ҳажмли кемани қайта жиҳозланиши натижасида кема билетидаги маълумотлар ўзгарганда.

14. Кичик ҳажмли кемаларни қайта рўйхатдан ўтказиш кема билети ҳамда мазкур Қоидаларнинг 9-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар

тақдим қилинганда амалга оширилади.

15. Кичик ҳажмли кемалар қайта рўйхатдан ўтказилганда кема эгасига янги борт рақамлари ва кема билети топширилади, кема китобига тегишли ёзувлар киритилади.

16. Кема билети йўқолганда, яроқсиз ҳолга келганда мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ тўлов амалга оширилгач, кема эгасининг аризасига кўра кема билетининг дубликати берилади.

17. Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказишда кема тўғрисидаги барча маълумотлар кема китобига ёзиб қўйилади.

18. Кема китоби ва маълумотларнинг электрон базалари моторли кемалар ҳамда эшакли, елканли ва бошқа моторсиз кемалар учун алоҳида юритилади.

4-боб. Кичик ҳажмли кемани рўйхатдан чиқариш

19. Кичик ҳажмли кема тиклашга ва фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда рўйхатдан чиқарилади.

20. Кичик ҳажмли кемани рўйхатдан чиқариш учун кема мулкдори мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қилади.

21. Кичик ҳажмли кемани рўйхатдан чиқаришда техник кўрик ўтказилиб, далолатнома расмийлаштирилади ва бу ҳақида кема китобига ва рўйхатга олиш карточкасига тегишли ёзувлар киритилади.

22. Кичик ҳажмли кема рўйхатдан чиқарилганда, кема билети ўз кучини йўқотиб, 5 йил мобайнида Инспекцияда сақланади. Рўйхатдан чиқарилган кемаларнинг борт рақамлари бошқа сузиш воситасига 5 йил муддат ичида берилмайди.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

24. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

“27 ноябрь” 2017 йил.



Б. Холжаев

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

“27 ноябрь” 2017 йил.



З. Мирзаев

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари



“27 ноябрь” 2017 йил.



Ш. Шавахабов

Савдо-саноат палатаси раиси

“27 ноябрь” 2017 йил.



А. Икромов

Кичик ҳажмли кемаларни
рўйхатдан ўтказиш қоидаларига
1-ИЛОВА

**Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш)
учун белгиланган тўловлар прејскуранти**

т.р.	Хизмат кўрсатиш тури	Тўлов миқдори
1.	Осма ва стационар двигателли кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳамда кичик ҳажмли кема билети учун	Энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи
2.	Эшқакли ва елканли кемаларнинг барча турларини, шу жумладан, шишириладиган турларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун	Энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи
3.	Кичик ҳажмли кема билетининг дубликати бериш учун	Энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи

Кичик ҳажмли кемаларни
рўйхатдан ўтказиш қоидаларига
2-ИЛОВА

**Моторли кемаларни рўйхатдан
ўтказиш китоби**

Китобнинг ташқи тарафи, титул varaғи:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси	
КЕМА КИТОБИ (моторли кемалар учун)	
Вилоят (шаҳар) _____	
Бошланди : _____	
Туғади : _____	

Ички тарафи, чап томони:

Т.р.	Рўйхатдан ўтказиш санаси	Кемани рўйхатга олиш рақами	Кема мулкдори Ф.И.О.	Кема мулкдори манзили	Кема тури	Кема ишлаб чиқарилган йили ва жойи	Завод рақами	Кема корпуси
								Материал
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ички тарафи, ўнг томони:

Кема корпуси (ўлчами)			Йўловчилар сони ва юк кўтариш қобилияти	Сузиш жойи ва унинг шароитлари	Двигатель			Кема билетини олиш санаси ва олувчи- нинг имзоси	Алоҳида белгилар ва рўйхат- дан чиқариш асослари
Узун лиги, м.	Эни, м.	Борт баланд- лиги, м.			Марка, тури	Сони, завод рақами	От кучи (кВт)		
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19

Кичик ҳажмли кемаларни
рўйхатдан ўтказиш Қоидаларига
3-ИЛОВА

**Эшкакли кемаларни рўйхатдан
ўтказиш китоби**

Китобнинг ташқи тарафи, титул varaғи:

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси

КЕМА КИТОБИ
(эшкакли кемалар учун)

Вилоят (шаҳар) _____

Бошланди: _____
Туғади : _____

Ички тарафи, чап томони:

Т.р.	Рўйхатдан ўтказиш санаси	Кемани рўйхатга олиш рақами	Кема мулкдори Ф.И.О.	Кема мулкдори манзили	Кема тури	Кема ишлаб чиқарилган йили ва жойи	Завод рақами	Кемани корпуси
								Материал
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ички тарафи, ўнг томони:

Кема корпуси (ўлчами)			Йўловчилар сони ва юк кўтариш қобилияти	Сузиш жойи ва унинг шароитлари	Кема билетини олиш санаси ва олувчининг имзоси	Алоҳида белгилар ва рўйхатдан чиқариш асослари
Узунлиги, м.	Эни, м.	Борт баландлиги, м.				
10	11	12	13	14	15	16

Кичик ҳажмли кемаларнинг кема билети
(моторли кемалар учун)

1. Кема билетининг олди қисми:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси
Кичик ҳажмли кеманинг билети

_____ (серияси)

_____ (рақами)

Рўйхатга олиш рақами _____
(Кеманинг борт рақами)

Мулкдор _____

Манзил _____

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат _____

Кема тури _____

Ранги _____

Завод рақами _____

Ишлаб чиқарилган йили ва ўлчами _____ **L** _____ **B** _____ **H** _____

Корпус материали _____

Йўловчи / кириш _____ Юк кўтариш қобилияти _____ кг.

Қутқарув воситалари _____ рухсат берилган тўлқин _____ м.
дона

Қирғоқдан узоқлашиши _____ м.

Сузиш жойи _____.

2. Кема билетининг ички қисми, чап тарафдаги бети:

Кичик ҳажмли кемани яроқлилиги бўйича техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисида белги

Кема техник кўрикдан ўтган Бош инспектор	Сана	Техник кўрик муддати

3. Кема билетининг ички қисми, ўнг тарафдаги бети:

Кичик ҳажмли кемани яроқлилиги бўйича техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисида белги

Кема техник кўриқдан ўтган Бош инспектор	Сана	Техник кўриқ муддати

4. Кема билетининг орқа тарафи:

ДВИГАТЕЛЬ

I. Маркаси _____

Завод рақами _____

Қуввати _____

II. Маркаси _____

Завод рақами _____

Қуввати _____

Қутқарув воситалари _____

Ёнғин ўчириш воситалари _____

Сувни чиқариб ташлаш воситалари _____

_____ (мулкдор имзоси)

Махсус мослама _____

Сана _____

Бош инспектор _____

Кичик ҳажмли кемаларнинг кема билети шакли
(эшқакли кемалар учун)

1. Кема билетининг олди қисми:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси
Кичик ҳажмли кеманинг билети

_____ (серияси) _____ (рақами)

Рўйхатга олиш рақами _____
(Кеманинг борт рақами)

Мулқдори _____

Манзил _____

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат _____

Кема тури _____

Ранги _____

Завод рақами _____

Ишлаб чиқарилган йили ва ўлчами _____ L _____ В _____ Н _____

Корпус материали _____

Йўловчи / кириш _____ юк кўтариш қобилияти _____ кг.

Кутқарув воситалари _____ рухсат берилган тўлқин _____ м.
дога

Қирғоқдан узоқлашиши _____ м.

Сузиш жойи _____

2. Кема билетининг ички қисми, чап тарафдаги бети:

Кичик ҳажмли кемани сузишга яроқлиги тўғрисида техник кўригидан ўтганлиги тўғрисида белги

Кема техник кўриқдан ўтган Бош инспектор	Сана	Техник кўриқ муддати

Кичик ҳажмли кемаларни
рўйхатдан ўтказиш қоидаларига
5-ИЛОВА

Рўйхатга олиш ариза-карточкаси
(юридик шахслар учун)

рўйхатга олиш (борт) рақами

Кема эгасининг аризаси - рўйхатга олиш карточкаси

Раҳбарга _____
кичик ҳажмли кемаларни рўйхатга олиш давлат органи, вилоят (шаҳар)

Томонидан _____
юридик шахснинг тўлиқ номи

Юридик шахсни рўйхатга олган, орган _____

Рўйхатга олиш рақами _____ Рўйхатга олиш муддати _____

Жойлашган жойи: _____
почта индекси, вилоят, шаҳар, туман

юридик шахснинг тўлиқ манзили, телефон рақами

Кичик ҳажмли кемани рўйхатга олинишини сўраман:

Тури ва модели _____ номи _____

Ишлаб чиқарилган йили ва жойи _____

Зав. № _____ Корпус материали _____

Узунлиги _____ м, кенглиги _____ м, борт баландлиги _____ м.

Мин. борт баландлиги _____ м, сиғими _____ кг.

юк кўтариш қобилияти _____ кг, йўловчи сиғими _____ одам.

Сузиш ҳудуди ва шароити _____

Осма мотор ёки двигателнинг асосий тип ва маркаси _____
микдори _____

Двигателнинг завод рақами _____

Двигатель куввати (йиғиндиси) _____ от кучи, (_____ кВт.)

Елканлар сони _____, елканлар майдони (йиғиндиси) _____ м².

Кеманинг номи ва олдинги рўйхат рақами _____

Олдинги рўйхат жойи _____
олдинги рўйхатга олган орган ва унинг жойи

20 ____ йил “ ____ ” _____
раҳбарнинг Ф.И.О. ва имзоси

Кема билети: серия _____ рақами _____

Берилган сана: 20 ____ йил “ ____ ” _____

Кичик ҳажмли кемалар бўйича Бош инспектор _____
имзо _____ Ф.И.О. _____

Рўйхатга олиш ариза-карточкаси

(жисмоний шахслар учун)

руйхатга олиш (борт) рақами

Кема мулкдорининг аризаси-руйхатга олиш карточкаси

Раҳбарга

кичик ҳажмли кемаларни руйхатга олиш давлат органи, вилоят (шаҳар)

Фуқаро томонидан _____
Ф.И.О.

Туғилган йили _____ туғилган жойи _____
вилоят (шаҳар, туман)

Фуқаролиги _____ Яшаш жойи: _____
почта манзили, вилоят (шаҳар, туман)

туман, аҳоли яшаш пункти, кўча, уй, хонадон, телефон

Паспорт: серияси _____ рақами _____ берилган санаси _____
берилган _____

Кичик ҳажмли кемани рўйхатга олинишини сўраман:

Тури ва модели _____ номи _____
Ишлаб чиқарилган йили ва жойи _____

Зав. № _____ Корпус материали _____
Узунлиги _____ м, кенглиги _____ м, борт баландлиги _____ м.

Мин. борт баландлиги _____ м, сиғими _____ кг.
юк кўтариш қобилияти _____ кг, йўловчи сиғими _____ чел.

Сузиш ҳудуди ва шароити _____

Осма мотор ёки двигателнинг асосий тури ва маркаси _____
_____ миқдори _____

Двигателнинг завод рақами _____

Двигатель куввати (йиғиндиси) _____ от кучи., (_____ кВт.)

Елканлар сони _____, елканлар майдони (йиғиндиси) _____ м².

Кеманинг номи ва олдинги рўйхат рақами _____

Олдинги рўйхат жойи _____
олдинги рўйхатга олган орган ва унинг жойи

20 ____ йил " ____ " _____
раҳбарнинг Ф.И.О. ва имзоси


Кема билети: серия _____ рақами _____
Берилган сана: 20 ____ йил " ____ " _____

Кичик ҳажмли кемалар бўйича Бош инспектор _____
имзо _____ Ф.И.О.


Эшкакли ва моторли кичик ҳажмли кемаларнинг борт рақамлари шакли

Борт рақами форштевндан корпуснинг 1/4 узунлиги қисмида бир қаторда кеманинг икки томонида ювилмайдиган контраст бўёқ ёрдамида ёзилади.

Ҳарф ва рақамларнинг баландлиги 150 мм. дан, кенглиги 80 мм. дан кам бўлмаслиги ва ҳарф ва рақамлар чизиғининг кенглиги 15-20 мм. бўлиши шарт.



1-расм. Моторли кемаларнинг борт рақамлари 7 та литер рақам ва белгидан иборат бўлиб, уларнинг биринчи 2 та литер белгиси – кема бириктирилган ҳудуд кодини, 3-чи литер белгиси – лотин алифбоси ҳарфини, кейинги 4 та литер белгиси – кема китобида рўйхатга олинган рақамларни билдиради.



2-расм. Эшкакли кемаларнинг борт рақами 6 та литер рақам ва белгидан иборат бўлиб, уларнинг биринчи 2 та литер белгиси – кема бириктирилган ҳудуд кодини, 3-литер белгиси – лотин алифбоси ҳарфини, кейинги 3 та литер белгиси – кема китобида рўйхатга олинган рақамларни билдиради.

**Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан
чиқариш бўйича ёзма ариза**

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
бошлиғига**

АРИЗА

Аризачининг маълумотлари.

1. _____
(жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахснинг номи)

2. _____

(жисмоний шахснинг яшаш манзили ёки юридик шахснинг жойлашган жойи, телефон рақами)

3. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилган): _____

Менга тегишли бўлган кичик ҳажмли кемани рўйхатдан чиқаришингизни сўрайман,
кичик ҳажмли кема билетининг серияси ва рақами _____.

20__ йил “__” _____
(Ф.И.О., имзо)

Маълумотларини текширган Бош инспектор _____

20__ йил “__” _____
(Ф.И.О., имзо)